

ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Махмудов Носир Махмудович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, и.ф.д.,
Азимова Лола Сафаровна -
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўқитувчиси
Авазов Нуриддин Рустам ўғли -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси**

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда инвестицион фаолликни ошириш масалалари таҳлил қилинган. Мақолада шунингдек, мавзуга тегишли хорижий илмий мақолалар ҳамда маҳаллий илмий адабиётлар ўрганилиб, илмий хулосалар чиқарилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон иқтисодиётининг жорий ҳолати таҳлил қилинган ҳамда иқтисодиётда инвестицияларнинг аҳамияти қанчалик эканлиги эконометрик таҳлил асосида аниқланган. Мақоланинг якунида, тадқиқот натижасида олинган маълумотлар асосида, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни ҳамда инвестицион фаолликни оширишга қаратилган илмий хулосалар берилган ҳамда таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлари: макроиқтисодий барқарорлик, инвестициялар, инвестицион фаоллик, инвестицион муҳит, иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий сиёсат, фаол инвестиция сиёсати.

Аннотация. В статье анализируются вопросы макроэкономической стабильности и повышения инвестиционной активности в Узбекистане. В статье также исследуются зарубежные научные статьи и местная научная литература по данной теме и делаются научные выводы.

Кроме того, на основе эконометрического анализа было проанализировано текущее состояние экономики Узбекистана и определена важность инвестиций в экономику. В конце статьи на основе данных, полученных в результате исследования, представлены научные выводы и рекомендации, направленные на повышение макроэкономической стабильности и инвестиционной активности в Узбекистане.

Ключевые слова: макроэкономическая стабильность, инвестиции, инвестиционная активность, инвестиционная среда, экономический рост, макроэкономическая политика, активная инвестиционная политика.

Annotation. The article analyzes the issues of macroeconomic stability and increasing investment activity in Uzbekistan. The article also examines foreign scientific articles and local scientific literature on this topic and draws scientific conclusions.

In addition, on the basis of econometric analysis, the current state of the economy of Uzbekistan was analyzed and the importance of investment in the economy was determined. At the end of the article, based on the data obtained as a result of the study, scientific conclusions and recommendations are presented, aimed at increasing macroeconomic stability and investment activity in Uzbekistan.

Keywords: macroeconomic stability, investments, investment activity, investment environment, economic growth, macroeconomic policy, active investment policy.

Кириш. Ҳозирги кунда ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорликни ҳамда инвестицион фаолликни ошириш энг муҳим долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда хорижий инвестициялар глобал иқтисодиётнинг энг муҳим қисмларидандир. Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам макроиқтисодий барқарорлик ва инвестицион фаолликни ошириш масалалари энг муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатда бу йўналишлар мамлакат иқтисодиётининг асосий йўналишларига айланди. Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Лекин бунга қарамасдан мамлакат иқтисодиётида айрим макроиқтисодий кўрсаткичлар иқтисодиётнинг барқарорлик даражасига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Яъни мамлакат иқтисодиётида инфляция даражаси юқорилиги ва бунинг натижасида

фоиз ставкасининг ҳам юқори кўрсаткич ташкил этаётгани мамлакатдаги қулай ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Қўшимча тариқасида шуни айтиш мумкин-ки, мамлакатда даромадлар аҳоли ўртасида текис тақсимланиши соҳасида ҳам баъзи муаммолар кўзга ташланмоқда. Аҳоли ўртасида даромадлар тақсимланишини тартибга солмасдан туриб, мамлакатда аҳоли фаровонлигини оширишнинг мумкин эмас. Чунки даромаднинг катта қисми камчилик аҳоли қўлида қолиб кетади. Бу эса ўз-ўзидан мамлакатда кўпчилик аҳолига кам даромад тўғри келишига олиб келади. Бу ҳам еса мамлакатда камбағаллик даражасини ошишига олиб келиши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш энг долзарб масалалардан бири эканлиги келиб чиқади.

Иккинчи томондан қараганда, “Хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар глобаллашувнинг асосий драйвери ва ҳозирги глобал иқтисодиётда энг муҳим ролни ўйнайди. У мамлакатларнинг ишлаб чиқариш жараёнини қўшимча капитал билан таъминлайди ва иқтисодий ўсиш даражасини оширади” (Hui-Ching Hsieh; Sofia Boarelli; Thi Huyen Chi Wu, 2019). Бундан келиб чиқади-ки, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётга фаол жалб қилишни талаб этади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатади-ки, бир йилда 6 фоиздан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун миллий жамғармалар ЯИМнинг камида 25 фоизни, инвестициялар эса 30 фоизни ташкил этиши керак (Каримов Н.Ғ., Хожиматов Р.Х., 2019). Бундан келиб кўринадики, ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб қилиш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи. Бугунги кунда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда инвестиция масалалари асосий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Бу йўналишда хорижлик ҳамда Ўзбекистон олимлари ва илмий тадқиқотчилари томонидан турли давлатлар мисолида, турли усулларда илмий тадқиқот олиб борилмоқда ва илмий хулосалар чиқарилмоқда. Булардан бир нечтасини қуйида кўриб чиқамиз.

Ветнамлик олимлар Hui-Ching Hsieh, Sofia Boarelli, Thi Huyen Chi Vu томонидан International Review of Economics and Finance журналыда чоп этилган “Беқарор (ноаниқ) иқтисодий сиёсатнинг ташқи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга таъсири” (The effects of economic policy uncertainty on outward foreign direct investment) [2] (Hui-Ching Hsieh; Sofia Boarelli; Thi Huyen Chi Wu, 2019) мақоласида Беқарор иқтисодий сиёсатнинг ташқи хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларга таъсири таҳлил қилинган. Таҳлил қилишда иқтисодий беқарорлик (ноаниқлик)ни баҳолашда иқтисодий беқарорлик индекси (Economic Policy Uncertainty Index (EPU Index))дан фойдаланилган. Таҳлиллар натижасида иқтисодий беқарорликнинг ташқи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга кучли таъсири борлиги аниқланган. Мақолада шунингдек, демократик институтларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга ҳам ижобий ҳам салбий таъсири борлигини таҳлиллар орқали аниқланган. Тадқиқотлар кўрсатадики, Иқтисодий беқарорлик индекси

(Economic Policy Uncertainty Index (EPU Index)) қанча юқори бўлса, капитал бозори ўзгарувчанлиги ошади, капитал қайтимлари камаяди, катта таваккалчиликка суғурта назорати кучаяди, облигация ва сармоялар орасидаги корреляция (ўзаро муносабат) камаяди, ЯИМнинг кўпайишига тўсқинлик пайдо бўлади ҳамда фирмаларнинг инвестиция қилиш даражаси пасаяди. Олимлар мақолада 3 та гипотеза келтиради. Биринчи гипотезада АҚШ Иқтисодий беқарорлик индекси (Economic Policy Uncertainty Index (EPU Index)) ялпи АҚШ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари оқимига ижобий таъсирга эга эканлиги келтирилган. Иккинчи гипотезада ривожланаётган давлатлар Иқтисодий беқарорлик индекси (Economic Policy Uncertainty Index (EPU Index)) АҚШ ташқи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари оқимининг шу давлатларга киришига салбий таъсирга эга эканлиги келтирилиб ўтилган. Учинчи гипотезада, АҚШ ташқи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари оқими Иқтисодий беқарорлик индекси (Economic Policy Uncertainty Index (EPU Index)) ўзгариши орқанда қолишига сабаб бўлади. Умуман олиб қараганда бу мақолада беқарор иқтисодий сиёсатнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга таъсири таҳлил қилинган. Олимлар олиб борган тадқиқотлари натижасида иқтисодий беқарорлик индекси (Economic Policy Uncertainty Index (EPU Index)) билан ташқи хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар (outward FDI flow) ўртасида кучли боғлиқлик борлигини аниқлашади. Бу фақатгина АҚШ учун эмас балки, бошқа давлатлар учун ҳам тегишлидир. Олимлар тадқиқоти натижаси шуни кўрсатадики, агар иқтисодий беқарорлик индекси ошса, бу давлатга ташқи хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар кириб келиш ҳажми камаяди.

Мақолада Baker, Alesina, Tabellini, Pindyck, Jensen, Julio, Yook, Dixit, Rivoli, Salorio ҳамда Wang каби олимлар асарларидан фойдаланилган.

“Journal of Development Economics” журналыда Англиялик олим Michael F. Bleaneyнинг “Ривожланаётган давлатларда макроиқтисодий барқарорлик, инвестиция ва иқтисодий ўсиш” (*Macroeconomic stability, investment and growth in developing countries*)[1] (Bleaney, 1996) деб номланган мақоласи нашр этилган. Бунда “Ишончли макроиқтисодий сиёсат хусусий секторнинг инвестиция қарорларини қабул қилиш учун хавфсиз муҳитни шаклланишига ёрдам беради. Далиллар шуни кўрсатади-ки, яхши макроиқтисодий бошқа-

рув инвестицияларнинг тез суръатларда ўсишни қўллаб-қувватлайди”- деб таъкидлаб ўтилган.

Мақолада макроиқтисодий беқарорликнинг инвестицияларга таъсири баҳоланган ва иқтисодий ўсишни ривожланаётган мамлакатлар мисолида таҳлил қилинган. Натижада макроиқтисодий бошқарув даражаси иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатувчи асосий омил эканлиги келиб чиққан.

Макроиқтисодий беқарорлик инвестицияларни сифатига таъсир кўрсатади, нотўғри инвестиция қарорлари беқарор муҳитнинг шаклланишига олиб келишида катта мутаносиблик (пропорция) бор.

Мақолада макроиқтисодий бошқарувнинг асосий куроли сифатида фискал (бюджет-солик) сиёсати деб қаралган.

Макроиқтисодий барқарорликка таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида фискал баланс, ҳақиқий айирбошлаш курси, инфляция ва ташқи қарзларни инобатга олинган.

Мақолада макроиқтисодий беқарорлик ривожланаётган давлатларда инвестицияларга ва ўсишга салбий таъсир кўрсатувчи асосий восита ҳисобланиши, кучсиз макроиқтисодий сиёсат инвестициялар даражасини туширади ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, макроиқтисодий беқарорлик инвестицияларнинг самарадорлигини ҳам пасайтириши ҳақидаги илмий хулосалар чиқарилган.

Мақолада Barro, R.J., Bruno M., G. Di Tella, R. Dornbusch, S. Fischer, Mankiw N.G, Cottani, J., D.F. Cavallo, M.S. Khan, Pindyck R. ва Rodrik, D. каби олимлар илмий ишларидан фойдаланилган.

“Future Business Journal” журналида Покистонлик олимлар Yahya Waqas, Shujahat Haider Hashmi ва Muhammad Imran Nazir нинг “Макроиқтисодий омиллар ва хорижий портфель инвестицияларнинг ўзгарувчанлиги: Жанубий Осиё давлатлари мисолида” (*Macroeconomic factors and foreign portfolio investment volatility: A case of South Asian countries*)[3] (Yahya Waqas; Shujahat Haider Hashmi; Muhammad Imran Nazir, 2015)деб номланган мақоласи чоп этилган. Мақолада “Макроиқтисодий омиллар мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилишда жуда муҳим рол ўйнайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, макроиқтисодий омиллар ва хорижий портфель инвестициялар ўзгарувчанлиги ўртасида жуда катта алоқадорлик бор. Шу сабабли, таҳлил қилинаётган мамлакатларда халқаро портфель инвестициялар оқимидаги кам ўзгарувчанлик баланд фоиз ставкасини, валюта

қадрсизланишини, хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни, паст инфляция даражасини ва ЯИМнинг баланд даражада ўсишига рағбатлантирувчи омил бўлиб ҳисобланади ҳамда хорижий портфель инвестиция киритувчи инвесторлар учун мамлакат макроиқтисодий муҳитнинг барқарорлиги эътибор марказида бўлади” – деб таъкидланган.

Мақолада тўртта мамлакат Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Шри Ланка давлатлари таҳлил қилинган.

Хорижий хусусий инвестициялар иккита асосий таркибий қисмга бўлинади: хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар ва хорижий портфель инвестициялар. Хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар хорижий портфель инвестицияларга қарганда ўзгармасроқ табиатга эга деб ҳисобланилади ҳамда хорижий портфель инвестициялар “иссиқ пул” деб ҳам аталади. Шунинг учун ривожланаётган давлатлар хориж капиталини кўпайтириш асосида иқтисодий ривожланишга эришишни хоҳлайди.

Ўзгарувчанлик (*volatility, riski*) термини халқаро инвесторларнинг қилган инвестициясида қисқа муддатли фойда олиш истаги ва уларнинг ноаниқ шароитда инвестицияларини қайтариб олиши билан изоҳланилади.

Мамлакатдаги содир бўлган деваливация хорижликларга инвестиция тикишга мотивация бўлади.

Мамлакатдаги инфляция даражаси ҳам хорижий портфель инвестицияларга катта таъсир кўрсатади. Агар инфляция даражаси баланд бўлса, инвесторларнинг киритган инвестициясидан қайтадиган фойдаси кам бўлади ва инвестор бошқа мамлакатга инвестиция киритишга, қайсики инфляция даражаси паст давлатга, ҳаракат қилади. Агар мамлакатда инфляция даржаси паст бўлса бу инвесторларга бу мамлакатга инвестиция киритиш учун мотивация бўлади.

Мақолада олимлар томонидан бир нечта гипотезалар ишлаб чиқилган:

➤ биринчи гипотеза шундан иборатки, ҳақиқий валюта айирбошлаш курси билан хорижий портфель инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски) орасида кучли боғлиқлик мавжуд.

➤ иккинчи гипотеза шундан иборатки, мамлакатдаги инфляция даражаси билан хорижий портфель инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски) орасида кучли боғлиқлик мавжуд.

➤ учинчи гипотеза шундан иборатки, мамлакатдаги молия бозори ҳолати билан

хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски) орасида кучли боғлиқлик мавжуд.

➤ тўртинчи гипотеза шундан иборатки, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари билан хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски) орасида кучли боғлиқлик мавжуд.

➤ бешинчи гипотеза шундан иборатки, мамлакатдаги ЯИМнинг ўсиш суръати билан хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски) орасида кучли боғлиқлик мавжуд.

➤ олтинчи гипотеза шундан иборатки, мамлакатга кириб келаётган хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми билан хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски) орасида кучли боғлиқлик мавжуд.

Мақолада хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски)га макроиқтисодий омиллар таъсири кўриб чиқилган. Бу омилларга валюта айирбошлаш курси, инфляция даражаси, молия бозори ҳолати, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари, ЯИМнинг ўсиш суръати ҳамда хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми кабиларни ўз ичига олади.

Мақолада молия бозори структурасини ривожлантиришга, мамлакат инфратузилмасини яхшилашга, институтларни кучайтиришга ва мамлакатдаги макроиқтисодий омиллар беқарорлигини камайтиришга қаратилган сиёсат хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски)ни камайтиради ва бу мамлакатга хорижий портфел инвестицияларнинг кириб келиш ҳажмини оширади деган хулосаларга келинган.

Мақолада Bleaney M., Greenaway D., Humer S., Hansen P. R., Lunde A., Ahmed T., Malik S. U., Bekaert, Harvey, Ghura D., va Goodwin B.

каби олимлар илмий ишларидан фойдаланилган.

Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам инвестицион фаоллик ва макроиқтисодий барқарорлик мавзуси бир нечата илмий тадқиқот олиб борилган мавзулардан бири ҳисобланади. Булардан айниқса, Ш.И.Мустафакуловнинг илмий ишлари ажралиб туради. Ш.И.Мустафакулов муаллифлигида “Инвестицион муҳит жозибadorлиги: назария, методология ва амалиёт”[6] (Ш.И., 2017) мавзусида чоп этилган монографиясида мамлакат инвестицион муҳити ҳамда мамлакатдаги инвестицион фаолликни таъминлаш бўйича илмий маълумотлар бериб ўтилган. Монографияда инвестициялар, инвестицион иқлим, инвестицион имиж ва инвестицион жозибadorлик тушунчаларига қуйидагича таърифлар бериб ўтилган:

Инвестициялар – инвесторлар томонидан ўз мақсадларига эришиш учун тегишли фаолият турига киритиладиган ва пулда ифодаланган ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқлари обектидир.

Инвестицион иқлим – ички ва ташқи инвестицияларнинг кириб келишига таъсир кўрсатадиган ялпи иқтисодий, сиёсий, молиявий шароитдир.

Инвестицион имиж – инвесторлар тасаввурда инвестицион иқлимнинг турли хилдаги жиҳатлари билан комплекс тарзда акс этишидир.

Мамлакатнинг инвестицион жозибadorлиги – ҳудудга сармойанинг кириб келишини белгиловчи ва инвестиция фаоллиги билан баҳоланадиган обектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий белгилар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг йиғиндисидир.

Бу тушунчалар ўртасидаги боғлиқлик механизми қуйидагича тасвирланган (1-расм):



1-расм. “Инвестицион жозибadorлик”, “инвестицион иқлим”, “инвестицион фаоллик” ва “инвестицион имиж” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлик механизми

Монографияда шунингдек, инвестиция сиёсатини амалга оширишда ҳукумат томонидан қуйидаги асосий тамойилларга устуворликнинг қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлиши таҳлиллар асосида келтирилиб чиқарилган:

- ❖ республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағларни кенг жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни мунтазам такомиллаштириш;

- ❖ республикамизга жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, иқтисодиётнинг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга имтиёз ва преференсияларни тақдим этиш тизимини такомиллаштириш;

- ❖ маблағларни рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларга йўналтириш;

- ❖ ташқи иқтисодий фаолиятда рақобат қила оладиган ва валюта тушумини таъминлайдиган етакчи тармоқларни қўллаб-қувватлаш;

- ❖ аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва миллий даромадни оширишга қаратилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;

- ❖ энергия тежамкор ва атроф муҳитга кам зарар етказадиган юқори технологик, замонавий ускуналарни ўрнатиш; маҳаллий шароитларга мос келадиган илғор хорижий технологияларни татбиқ этиш, ўзимизда яратилаётган ихтироларни рағбатлантириш ва билимлар иқтисодиётига маблағлар йўналтириш.

Ўзбекистон олимлари Н.Ғ.Каримов ва Р.Х.Хожиматов томонидан ҳам бу йўналишда ўз илмий фаолиятларини олиб боришган. Бу муаллифларимиз томонидан ҳаммуаллифликда “Инвестиция” [4] (Каримов Н.Ғ., Хожиматов Р.Х., 2019) номли ўқув қўлланма нашр этилган. Ўқув қўлланмада инвестиция, унинг туркумланиши, хорижий инвестицияларнинг иқтисодий тушунчаси, реал ва молиявий инвестициялар, уларнинг хусусиятли белгилари, реал сектор ва унинг таркибий қисмлари, инвестицион сиёсат, инвестицион лойиҳа, лойиҳа даромадлиги, унинг ҳисоблаш усуллари, инновация ҳамда интеллектуал инвестициялар каби муҳим тушунчалар ёритишга қаратилган назарий ва амалий билимлар келтирилиб ўтилган. Шунингдек, мамлакатимизнинг жадал суръатларда ривожланиши учун иқтисодиётни модернизациялаш, инновацион

тарзда қайта қуроллантириш, жаҳон миқёсига интеграциялашувининг узлуксизлигини таъминлаш каби устувор вазифаларни амалга оширишда инвестицияларнинг ўрни ва зарурлиги очиб берилган.

Хитой, Жанубий Корея каби ривожланаётган мамлакатларда охириги 15 йил давомида кузатилган ўртача 10 фоизли иқтисодий ўсиш даврида жамғарма улушининг ўртача қиймати 30 фоизни ташкил этган. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатади-ки, бир йилда 6 фоиздан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун миллий жамғармалар ЯИМнинг 25 фоизини, инвестициялар эса 30 фоизини ташкил этиши керак.

Давлат томонидан инвестицион фаолиятини бошқариш бир қатор чора-тадбирларни қўллаш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш асосида мақсадли дастурлар орқали амалга оширилади. Бу чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

1. Солиқ тизимини қулайлаштириш, яъни солиқ субъектлари, объектлари ва ставкаларини табақалаштириш ва солиқ имтиёзларини бериш.

2. Амортизация сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан тезлаштирилган амортизация сиёсатини қўллаш ҳамда амортизация имтиёзларини бериш.

3. Айрим худудлар, тармоқларни ривожлантириш мақсадида дотациялар, субсидиялар, субвенсиялар орқали ёрдам кўрсатиш.

4. Кредит сиёсатини, давлатнинг норма ва стандартларининг антимонополий тадбирларини ишлаб чиқиш, давлат мулкани хусусийлаштириш ва нархо-наво сиёсатини ўтказиш.

5. Ер ҳамда бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлаш.

6. Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш давлат дастурларини кириштириш.

7. Инвестиция лойиҳаларининг мониторингини ўтказиш ва механизмни ишлаб чиқиш.

8. Зарур ҳолларда ёки қонунга мувофиқ инвестиция фаолиятини тўхтатиб туриш, чеклаш ёки тугатиш.

Тўғридан-тўғри чет эл сармоялари оқимини кенгайтириш мақсадида, чет еллик инвесторларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиргунарига қадар барча кўринишдаги божхона тўловлари, солиқлар ва йиғимлардан озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар

бир тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритишда имтиёзли солиққа тортиш тартибини алоҳида қўллаган ҳолда улар ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маълумотлар ва методология.

ЯИМ ва Инвестиция орасида бир омилли корреляцион-регрессион таҳлил олиб боришимиз учун бизга қуйидаги формулалар зарур бўлади. Бунда корреляциянинг чизиқли коэффицентини қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$r_{yx} = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2 \sum_{i=2}^n (y_i - \bar{y})^2}}$$

Корреляция коэффицентини аҳамият-лилигини Студентнинг т-мезонини қўллаган ҳолда аниқланади:

$$t_{his} = r_{yx} \sqrt{\frac{n - k - 1}{1 - r_{yx}^2}}$$

Бир омилли регрессия тенгламасининг умумий кўриниши қуйидагича белгилаб олинади:

$$y_x = a_0 - a_1 x_i$$

Бу ерда, a_0 ва a_1 параметрларнинг қийматлари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:


$$a_1 = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}$$

$$a_0 = \bar{y} - a_1 \bar{x}$$

Регрессия тенгламасининг аҳамият-лилигини текшириш учун Фишернинг Ф-мезонидан фойдаланилади:

$$F_{his} = \frac{r_{yx}^2}{1 - r_{yx}^2} (n - k - 1)$$

Макроиқтисодий барқарорлик бевосита муттасил тарзда ЯИМнинг ўсиш суръатларига эришиб бориши билан изоҳланади. Инвестицион фаоллик ҳам бевосита макроиқтисодий барқарорликка боғланади. Мамлакатда макро-иқтисодий барқарорлик таъминланган бўлса, бу мамлакатга инвестицияларнинг кириб келиш ҳажми ошиб боради. Агарда мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик таъминланмаган бўлса инвесторларнинг бу мамлакатга инвестиция киритишда rischi юқори бўлади ва кутилаётган фойда нормасига ишонч паст бўлади. Натижада инвесторлар бу мамлакатга инвестиция киритишни хоҳлашмайди. Қуйида Ўзбекистонда ЯИМ динамикаси эътибор қаратиладиган бўлса, бунда қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин (2-расм):




2-расм. 2009-2019 йилларда ЯИМ динамикаси (фоизда)

Манба: www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси

2009-2019 йилларда ЯИМ динамикасида бу даврда ЯИМ нинг муттасил ўсиб борганини кузатиш мумкин. ЯИМ динамикасида, 2009 йилда 108,1 фоиз ўсишни, 2010 йилда 108,5 фоиз ўсишни, 2011 йилда 108,3 фоиз ўсишни, 2012 йилда 108,2 фоиз ўсишни, 2013 йилда 108,0 фоиз ўсишни, 2014 йилда 108,1 фоиз ўсишни, 2015 йилда 108,0 фоиз ўсишни, 2016 йилда 107,8 фоиз ўсишни, 2017 йилда 105,3 фоиз ўсишни, 2018 йилда 105,1 фоиз

ўсишни, 2019 йилда еса 105,6 фоиз ўсишни ташкил қилган. 2009-2015 йиллар мобайнида ўсиш суръати 8 фоиздан тушмаганлигини кузатиш мумкин. Кейинги йилларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида, статистиканинг янада шаффофлашганлигини кузатиш мумкин. Таҳлил қилинаётган даврда (2009-2019 йиллар) ЯИМнинг ҳажмига эътибор қаратиладиган бўлса, унда қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин (3-расм):



3-расм. 2009-2019 йиллар оралиғида ЯИМ ҳажми (млрд. сўм)

Манба: www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

ЯИМни 2009-2019 йиллар оралиғида таҳлил қилинадиган бўлса, унда қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин: 2009 йилда ЯИМ ҳажми 48097,0 млрд. сўмни, 2010 йилда 61831,2 млрд. сўмни, 2011 йилда 77750,6 млрд. сўмни, 2012 йилда 96589,8 млрд. сўмни, 2013 йилда 118986,9 млрд. сўмни, 2014 йилда 144867,9 млрд. сўмни, 2015 йилда 171369,0 млрд. сўмни, 2016 йилда 199325,1 млрд. сўмни, 2017 йилда 302536,8 млрд. сўмни, 2018 йилда 406648,5 млрд. сўмни ва 2019 йилда 511838,1 млрд. сўмни ташкил қилган. Ўз-ўзидан маълумки, энг юқори кўрсаткичлар бу сўнгги йиллардаги кўрсаткичлар ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатлар учун бу табиий ҳолдир. Бундан ташқари бу ерда инфляция даражаси ҳам ЯИМ шаклланишига ўз таъсирини кўрсатган. Ҳозирги кунда ЯИМ барқарор даражада ўсиб келмоқда. Бу эса мамлакат иқтисодиёти жадал ривожланаётганлигидан далолат беради. Бундан ташқари Ўзбекистоннинг потенциали бундан юқори даржага эришиш учун етарли даражада. Фақат мавжуд имконият ва ҳолатни тўғри баҳолаб, улардан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш керак.

Давлат инвестиция сиёсати - бу иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланади.

Давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари деб қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестициялар, уларнинг ҳаракатланиши, инвестиция фаолияти иштирокчилари

муносабатлари, уларни тартибга солиб туриш бўйича қулай ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;


- иқтисодий туб ислоҳотларни амалга ошириш, мақсадли инвестицион сиёсатни юргизиш;

- инвестицион жараённи яхшилаш ва барча инвестицион жараён иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб етиш;

- давлат бошқарув органлари, ҳукумат ташкилотларининг назорат қилиш функцияларини янада такомиллаштириш [5] (Махмудов Н.М., Авазов Н.Р., 2019).

Мамлакатда қулай инвестицион муҳитни шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётга кириб келаётган инвестициялар ҳажми ошиб бормоқда (4-расм).

Таҳлил қилинаётган даврда (2009-2019 йиллар оралиғи) асосий капитал ўзлаштирилган инвестициялар статистикасига еътибор қаратиладиган бўлса, унда бу даврда асосий капиталга инвестициялар 2009 йилда 12531,9 млрд. сўмни, 2010 йилда 15409,1 млрд. сўмни, 2011 йилда 18291,3 млрд. сўмни, 2012-йилда 22067,0 млрд. сўмни, 2013-йилда 27557,3 млрд. сўмни, 2014 йилда 33715,3 млрд. сўмни, 2015 йилда 40737,3 млрд. сўмни, 2016 йилда 19963,2 млрд. сўмни, 2017 йилда 60719,2 млрд. сўмни, 2018 йилда 107333,0 млрд. сўмни ва 2019 йилда 189900,0 млрд. сўмни ташкил қилган. Кейинги йилларда фаол инвестиция сиёсати олиб борилаётганлиги сабабли мамлакат иқтисодиётига кириб келаётган инвестициялар ҳажми ошиб бормоқда.




4-расм. 2009-2019 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми (млрд. сўм)

Манба: www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Мамлакат иқтисодиётида асосий капиталга инвестицияларнинг кириб келиши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Буни асосий капи-

талга инвестициялар динамикаси асосида кузатиш мумкин (5-расм).



5-расм. 2009-2019 йилларда асосий капиталга инвестициялар динамикаси (фоизда)

Манба: www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Таҳлил қилинаётган даврда (2009-2019 йиллар) асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатларига эътибор қаратадиган бўлса, бу даврда 7 фоиз дан кам бўлмаган тарзда ўсиш суръатларига эришилган. Энг юқори кўрсаткичлар 2009, 2016 ва 2019 йилларда эришилган яъни 2009 йилда 124,8 фоизни, 2016 йилда 122,9 фоизни ташкил қилган бўлса, энг юқори кўрсаткич 2019 йилда 133,9 фоизни ташкил қилган. Сўнгги йилларда ўсиш суръатлари ошиб бормоқда. Айниқса, 2019 йилда 189,9 трлн. сўм (доллар эквивалентда 21,5 млрд. АҚШ долл.) ёки 2018 йилга нисбатан 133,9 фоиз асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилган.

2019 йилда ЯИМга нисбатан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 37,1 фоизни ташкил этиб, 2018 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 6,5 фоиз пунктга кўпайган. Мазкур кўрсаткич 2017 йилда – 23,9 фоизни ҳамда 2018 йилда – 30,6 фоизни ташкил этган.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилишида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг юқори ўсиш суръатлари асосий омил бўлган. Улар 2018 йилга нисбатан 3,9 мартага ўсиб, жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг – 31,0 фоизини, шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 19,6 фоиз (ёки 3,6 марта ўсиш)ни ташкил қилган.

Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келаётган инвестициялар ҳажми ва унинг мамлакат ЯИМга таъсири баҳоланган. Бундан ташқари мамлакатда қулай инвестицион муҳит шаклланишига таъсир кўрсатаётган омиллар таҳлил қилинган. Инвестицияларнинг иқтисодий ривожлантиришга (ЯИМнинг ўсиши) таъсирини корреляцион-регрессион таҳлил асосида кўриб чиқамиз.

Таҳлил ва натижалар

Корреляцион-регрессион таҳлил:

ЯИМ ва Инвестиция орасида бир омилли корреляцион-регрессион таҳлил олиб бора-

$$r_{yx} = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2 \sum_{i=2}^n (y_i - \bar{y})^2}} = \frac{77867059388}{\sqrt{29389881281,6 * 2,32521E + 11}} = 0,94$$

Таҳлилар натижасда корреляция коэф-фициенти $r_{yx} = 0,94$ эканлиги маълум бўлди. Бу кўрсаткич $\pm 0,7$ ва ± 1 оралиғида эканлигидан омиллар орасида боғлиқлик кучли экан-

$$t_{his} = r_{yx} \sqrt{\frac{n - k - 1}{1 - r_{yx}^2}} = 0,94 * \sqrt{\frac{10 - 1 - 1}{1 - (0,94)^2}} = 7,79$$

Бу ердан $t_{his} = 7,79$ эканлиги келтири-либ чиқарилади. $t_{his} > t_{jadval}$ бўлганда кор-реляция коэффиценти аҳамиятли бўлади. Бизда ҳам шу тенгсизлик бажарилаётганли-гидан корреляция коэффиценти аҳамиятли-дир.

миз. Бунда ЯИМ натижавий белги деб, инвес-тицияни омилли белги деб белгилаб оламиз. Яъни, Y – ЯИМ ва унга таъсир қилувчи омил X – инвестицияларни белгилаб оламиз.

лиги маълум. Корреляция коэффиценти аҳамиятлилигини Студентнинг т-мезонини қўллаган ҳолда аниқлаб оламиз:

Бир омилли регрессия тенгламасининг умумий кўриниши қуйидагича белгилаб олинади:

$$y_x = a_0 - a_1 x_i$$

Бу ерда, a_0 ва a_1 параметрларнинг қий-матлари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаб оламиз:

$$a_1 = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2} = \frac{69141427294}{29389881281,6} = 2,35$$

$$a_0 = \bar{y} - a_1 \bar{x} = 213984,09 - 2,35 * 54822,46 = 85151,309$$

Регрессия тенгламаси қуйидагича эканлиги келиб чиқди:

$$y_x = 85151,309 - 2,35x_i$$

Ушбу тенглама таҳлил қилинадиган бўлса, ҳеч қандай омиллар таъсир этмайдиган натижавий кўрсаткич – ЯИМ 85151,309 млрд. сўмни ташкил қилади. Агар ЯИМ таркибида асосий капиталга инвестициялар 1 бирликка оширилса, натижада ЯИМ 2.35 бирликка кў-паяди. Яъни агар инвестициялар 1 млрд. сўмга кўпайса, натижада ЯИМ 2.35 млрд. сўмга

кўпаяди. Демак ЯИМ ни кўпайтиришнинг асо-сий воситаси сифатида инвестициялар қарал-са мақсадга мувофиқ бўлади ҳамда инвес-тициялар иқтисодий ўсишни таъминловчи асо-сий омил ҳисобланади.

Регрессия тенгламасининг аҳамиятли-лигини текшириш учун Фишернинг F -мезо-нидан фойдаланамиз:

$$F_{his} = \frac{r_{yx}^2}{1 - r_{yx}^2} (n - k - 1) = \frac{0,94^2}{1 - 0,94^2} (10 - 1 - 1) = 60,72$$

Бу ердан $F_{his} = 60,72$ эканлиги келти-рилиб чиқарилади. $F_{his} > F_{jadval}$ бўлганда регрессия тенгламаси аҳамиятли бўлади. Бизда $F_{jadval} = 25,42$ эканлигидан, регрессия тенгламаси аҳамиятлидир.

Эконометрик таҳлил асосида асосий ка-питалга инвестициялар ҳажмининг 1 бирлик-ка ошиши натижасида ЯИМ 2,35 бирликка кўпайиши келиб чиқди. Демак инвестициялар ЯИМ ҳажмининг ошишига ижобий таъсир қилувчи асосий омиллардан бўлиб ҳисобла-нади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ривожланиши-га эришиш учун энг асосий долзарб масала сифатида иқтисодиётда инвестициялар ҳаж-мини оширишга қаратилмоқда. Бу соҳада ҳо-зирги кунда, мамлакат инвестицион муҳити-ни яхшилаш қаратилган жуда кўплаб исло-хотлар амалга оширилмоқда.

Юқорида олиб борилган таҳлил асосида, ЯИМ ва асосий капиталга инвестициялар ўр-тасида кучли ҳамда тўғри боғлиқлик мавжуд. Яъни инвеститисиялар ҳажми ошиши билан ЯИМ ҳажми ҳам шунга мутаносиб тарзда ошиб боради. Булар эса бу омиллар орасида тўғри боғлиқлик мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам кейинги йилларда иқтисодий ривожлантируш асоси сифатида инвестициялар қаралиши ҳамда мамлакат инвестицион муҳитини яхшилашга қаратилган устувор йўналишлар белгилаб олинган. Бу устувор йўналишларни амалиётга тадбиқини таъминлаш асосида мамлакат инвестицион жозибadorлигини ошириш ҳамда мамлакат иқтисодиётида инвестициялар ҳажмини янада ошириш мумкин.

Хулосалар. Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва инвестицион фаолликни таъминлаш энг долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий ривожлантирмасдан туриб, мамлакатда бошқа соҳалардаги ҳолатни яхшилаб бўлмаслиги обектив ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун мамлакатлар ривожланганлик даражасини баҳолашда биринчи ўринда иқтисодий ривожланганлик даражаси туради. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш муҳимдир. Иқтисодийнинг ривожланиши инвестициялар ҳажми ошиб боришига ҳамда мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш талаб этилади. Иқтисодиётда инвестициялар ҳажми ошиши учун мамлакатда қулай инвестицион муҳит шаклланиши зарурдир. Қулай инвестицион муҳитнинг шаклланиши асосида инвесторларнинг бу мамлакатга инвестиция киритишга қизиқиши юқори бўлади. Натижада мамлакатда инвестициялар ҳажми ошиб боради. Хорижий тадқиқотчилар тадқиқотларидан қуйидаги хулосаларни олиш мумкин:

➤ иқтисодиётдаги беқарор муҳит бу мамлакат иқтисодиётига кириб келаётган инвестициялар ҳажмига салбий таъсир кўрсатади;

➤ ишончли макроиқтисодий сиёсат хусусий секторнинг инвестиция қарорларини қабул қилиш учун хавфсиз муҳитни шаклланишига ёрдам беради. Яхши макроиқтисодий бошқарув инвестицияларнинг тез суръатларда ўсишни қўллаб-қувватлайди;

➤ хорижий портфел инвестициялар билан ҳақиқий валюта айирбошлаш курси, инфляция даражаси, молия бозори ҳолати, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари, мамлакатдаги ЯИМнинг ўсиш суръати, мамлакатга кириб келаётган хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми каби омиллар орасида кучли бўлиқлик мавжуд.

Юқоридаги тадқиқотларга ҳамда ўз таҳлилларимиз асосланган ҳолда Ўзбекистонда

қулай инвестицион муҳитни шаклланишига, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ҳамда мамлакат иқтисодиётида инвестициялар ҳажмини оширишга қаратилган қуйидаги таклифларни бериб ўтамиз:

✓ биринчидан, мамлакатда қулай инвестицион муҳитни шакллантиришга таъсир қилувчи иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий омиллар таъсирини ижобий томонга йўналтирган ҳолда инвесторлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш;

✓ иккинчидан, ҳам портфел инвестицияларга ҳам тўғридан-тўғри инвестицияларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатувчи инфляция даражасини жиловлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишга талаб мавжуддир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда инфляция даражаси баланд даражаси ҳалигача сақланиб қолмоқда. Инфляция даражасини пасайтириш чора-тадбирларидан бири бўлган, Марказий банк томонидан инфляция таргетлаш режимига ўтиш ишларини тезлаштириш;

✓ учинчидан, мамлакатда портфел инвестициялар ҳажмига энг катта таъсир кўрсатувчи омил бу – молия бозори ҳолатидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда ҳам молия бозорини ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молия бозорини яхшилаш чораларини кўриш;

✓ тўртинчидан, энергия тежамкор ва атроф муҳитга кам зарар етказадиган юқори технологик, замонавий ускуналарни ўрнатиш; маҳаллий шароитларга мос келадиган илғор хорижий технологияларни татбиқ этиш, ўзимизда яратилаётган ихтироларни рағбатлантириш ва билимлар иқтисодиётига маблағлар йўналтириш;

✓ бешинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағларни кенг жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни мунтазам такомиллаштириш.

Юқорида келтирилиб ўтилган таклифларни амалиётга тадбиқ этиш асосида мамлакатда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ҳамда республика иқтисодиётида инвестициялар ҳажмини оширишга эришиш мумкин. Инвестициялар ҳажми ошиши эса мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга олиб келувчи асосий омил саналади. Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда инвестицион фаоллик доимо бир-бири билан боғлиқ бўлган иқтисодий омиллардир. Бу икки омил доимо бир-бирини тўлдириб, бир-бири билан боғлиқликда иқтисодий жараёнларда иштирок этади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Bleaney, M. F. (1996). Macroeconomic stability, investment and growth in developing countries. *Journal of Development Economics*, 461-477.
2. Hui-Ching Hsieh; Sofia Boarelli; Thi Huyen Chi Wu . (2019). The effects of economic policy uncertainty on outward foreign direct investment. *International Review of Economics and Finance*, 377-392.
3. Yahya Waqas; Shujahat Haider Hashmi; Muhammad Imran Nazir. (2015). Macroeconomic factors and foreign portfolio investment volatility: A case of South Asian countries. *Future Business Journal*, 65-74.
4. Каримов Н.Ф., Хожиматов Р.Х. (2019). Инвестиция. Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт – матбаа уйи.
5. Махмудов Н.М., Авазов Н.Р. (2019). Ўзбекистон иқтисодиёти ривожлантиришида инвестициялардан самарали фойдаланиш йўллари. Тошкент: Иқтисодиёт.
6. Ш.И., М. (2017). Инвестицион муҳит жозибadorлиги: назария, методология ва амалиёт. Тошкент: “Маънавият” Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси.
7. Avazov, N., & Maxmudov, N. (2020). INVESTMENT AS A SOURCE OF FINANCING. Архив научных исследований, 1(24). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2803>
8. Avazov, N., & Abduraxmonov, M. (2020). STRUCTURAL REFORMS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY IN UZBEKISTAN. Архив научных исследований, 1(26). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2781>
9. Avazov, N., & Maxmudov, N. (2020). MAMLUKAT INVESTITSION MUHITINI SHAKLLANTIRISHGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR TAHLILI. Архив научных исследований, 1(24). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2860>
10. Ходиев Б.Ю., Шодиев Т.Ш., Беркинов Б.Б., Эконометрика: ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОДИЁТ”, 2018.-178 б.
11. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник. -10-е изд. перераб. и доп. -М.: Издательство “МФПУ Синергия”, 2013.
12. N. Gregory Mankiw. *Macroeconomics*. 8 th edition. Harvard University. (NY.: Worth Publishers, 2013)
13. Avazov, N., & Maxmudov, N. (2020). TO'G'RIDAN-TO'G'RI XORIJIY INVESTITSİYALARNI IQTISODIYOTGA JALB QILISH VA UN DAN SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI. Архив научных исследований, 1(29). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2907>
14. Avazov, N., & Maxmudov, N. (2020). XORIJIY INVESTITSİYALARNI IQTISODIYOTGA FAOL JALB QILISH ASOSIDA MAKROIQTISODIY BARQAROLIKNI TA'MINLASH YO'LLARI. Архив научных исследований, 1(29). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2911>
15. Avazov, N., & M. Makhmudov, N. (2020). O'ZBEKISTON IQTISODIYOTINI INVESTITSİYALARDAN SAMARALI FOYDALANISH ASOSIDA BARQAROR O'SISHINI TA'MINLASH. Архив научных исследований, 1(32). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/3007>
16. www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти
17. www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси.
18. www.elsevier.com Халқаро мақолалар портали.
19. www.tsue.uz Тошкент давлат иқтисодиёт университети расмий сайти.

FISKAL SIYOSATNING MAZMUNI VA UNI MAKROIQTISODIY BARQARORLIKNI TA'MINLASHDAGI O'RNI

**Mamurova Mahliyo Zafarovna -
TDIU 2- kurs tayanch doktoranti**

Annotatsiya: Ushbu maqolada davlat o'zining boshqaruvchilik faoliyatini amalga oshirish uchun ma'lum yo'nalishdagi siyosatni amalga oshirish kursatilgan. Shuningdek Moliyaviy siyosat iqtisodiy siyosatning muhim elementi, tarkibiy qismi hisoblanadi. Moliyaviy siyosat avvalo istiqbol uchun belgilangan va bajarilishi ko'zda tutilgan muammolarni hal qilish va maqsadlarga erishish uchun moddiy asos bo'lgan moliyaviy resurslarning maksimal miqdorini shakllantirishga qaratilgan.

Tayanch suzlari: Moliyaviy siyosat, moliyaviy resurslar, davlatning funktsiyalari, iqtisodiy maqsadlar, ijtimoiy maqsadlar, moliyaviy strategiya, byudjet taqchilligi, tartibga solish mexanizmlari.

СОДЕРЖАНИЕ ФИСКАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ И ЕЕ РОЛЬ В ОБЕСПЕЧЕНИИ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ

Аннотация: В этой статье описывается реализация государством определенной политики для осуществления своей административной деятельности. Фискальная политика также является важным элементом экономической политики. Фискальная политика в первую очередь направлена на создание максимального объема финансовых ресурсов, которые являются материальной базой для решения проблем и достижения поставленных целей на будущее.

Ключевые слова: фискальная политика, финансовые ресурсы, функции государства, экономические цели, социальные цели, финансовая стратегия, дефицит бюджета, механизмы регулирования.

THE CONTENT OF FISCAL POLICIES AND ITS ROLE IN MAINTAINING MACROECONOMIC SUSTAINABILITY

Annotation: This state describes the implementation of a certain policy by the state to carry out its administrative activities. Fiscal policy is also an important element of economic policy. Fiscal policy is primarily aimed at creating the maximum amount of financial resources that will become the material base for solving the problem and achieving the goals of the future.

Key words: fiscal policy, financial resources, government functions, economic, social, financial strategy, budget deficit, regulatory mechanisms.